



ERURSEN SHON, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHONSEN SEN

Хабар

47

(1053)-son

23-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT OO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

АЛПОМИШ ва Барчиной авлодлари

Тошкент шаҳрида мамлакатимиз алоқа ва ахборот технологиялари соҳасига ихтисослашган касб-хунар коллежлари ва лицейлар ўртасида спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан илк маротаба ташкиллаштирилган бу спорт анжуманида Тошкент шаҳрининг тўрт жамоаси — Алоқа касб-хунар коллежи, Ахборот технологиялари коллежи, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 1 ва 2-академик лицейлар ҳамда Фаргона вилоятдан ташриф буюрган алоқа касб-хунар коллежи жамоалари ўзаро беллашдилар.

Мусобақалар Яккасарой спорт мажмуаси ҳамда Тошкент алоқа касб-хунар коллежи спорт майдонларида ўтказилди. Жамоавий беллашуларда спортнинг волейбол, стритбол, мини-футбол турлари бўйича қизгин бахслар кузатишган бўлса, "Алпомиш" ва "Барчиной" тестлари доирасида уч йўналиш — 16, 17, 18 ёшлилар ўртасида енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди.

15-бет




Сўнги янгилик!

Стенфорд университети физиклари Квант голография асосида маълумотларни сақловчи дунёдаги биринчи қурилма тақдирини ўтказишди.

Ҳозирча тадқиқотчилар битта электрон ёрдамида 1 бит маълумот сақлай олишди, аммо стенфордликлар фикрича, муваффақиятлар олдинда.

Мутахассисларнинг фикрича, яна 10-15 йилдан кейин айнан квант тизимлар ҳозирги хотира қурилмалари ўрнини эгаллайди ва минглаб терабайт маълумотни чекланган уч ўлчамли муҳитда сақлаш мумкин бўлади.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Ҳар бобида ҳикмат муҷассам	2
■ Оилага эътибор — жамиятга эътибор	3
■ Доступ к сайтам в зоне UZ из-за рубежа ускорится	6
■ Таълимда ахборот технологиялари	11
■ Электрон кутубхона: Мутолаа завқи	13
■ Сабрнинг самараси	14

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилган эди. Айни пайтда жойларда маақур Кенгашнинг қуйи тузилмалари таъсис конференциялари ўтказилмоқда. Ана шундай анжуманлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида бўлиб ўтди.

2012 йил 16 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ва ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Мажлисида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаб ва тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Тошкентда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Қизғин баҳсларга бой бўлган танловда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги "Кўкдала" қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи, Наманган вилояти Наманган туманидаги "Бешкапа" ҳамда Тошкент шаҳридаги "Кўчка-оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари кейинги ўринларни қўлга киритди.

Пойтахтимизда "Оила ва болаликни иқтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг маънавий-руҳий асослари" мавзусида халқаро форум ўтказилди. Маақур тадбир "Sen Yo'g'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Болалар иқтимоий мослашуви маркази, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФнинг Болалар жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Наманган шаҳрида мамлакатимизда турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда юқумли касалликларга қарши курашда халқаро ташкилотлар, жумладан, "Глобал фонд" билан ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Баддий академияси марказий кўргазмалар залида "Табиат ва рассом" мавзусидаги анъанавий кўргазма ташкил этилди. Бу гал кўргазмада мамлакатимиз таниқли мўйкалам соҳиблари билан бирга, ёш рассомларнинг жонжон Ватанимизнинг мафтункор табиати турли йўналиш ва услубларда акс эттирилган икки юздан зиёд асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Мамлакатимизнинг Белгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегациясининг аъзолари, Белгиянинг жамоатчилик, сиёсий, эксперт, ишбилармон доиралари ҳамда Европа Иттифоқи, НАТО, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хар бобида Хизмат мужжассам

Юртимиз аҳолиси яна бир қутлуг байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинган куннинг 20 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Турли меҳнат жамоаларида ушбу санага бағишланиб ўтказилаётган тадбирларда элда обрў топган инсонлар — фан ва маданият ходимлари, санъаткор ва ёзувчилар иштирок этиб, бахтимиз Қомуси ҳисобланган Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унинг ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунчалар беришмоқда.

Тошкент Телеминосасида ўтказилган тадбирда ҳам шундай бўлди. Бу ерга ташриф буюрган Тошкент давлат юридик институти "Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ" кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Гавхар Йўлдошева, таниқли санъаткорлар — Рихси Иброҳимова, Раъно Ярашева, Ҳамид Тошпўлатов, Абдураим Абдувахобов ҳамда иқтидорли шоир Ботиржон Эргашевларни алоқачилар мамнуният билан кутиб олдилар.

— Бундан 20 йил олдин қабул қилинган Конституциямизда юртимиз ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва бурчлари ўз ифодасини тошган, — деди тадбирини очар экан "Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение узатиш маркази" ДУК бош директори Ғолибшер Зияев. — Шунинг учун ҳам бу улук кунни ҳар йили катта шодиёна билан байрам қиламиз. Зеро, Бош қонунимизнинг ҳар бир бобида хикмат мужжассам. Мен мамнуният билан сўзини меҳмонларга бераман.

Шундан сўнг ташриф буюрувчилар Конституциямиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этишди:

Г.Йўлдошева: — Конституция давлатимизнинг асосий қонуни бўлиб, уни қабул қилишдан олдин 100га яқин давлатларнинг конституциялари ўрганиб

чиқилган ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда бир тўхтамага келинган. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига катта эътибор қаратилган бўлиб, унда халқаро ҳуқуқ нормалари ўз аксини тошган. Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотлар фаолият юритмоқда. Халқаро Омбудсман институти, Президент хузурида ташкил этилган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти шулар жумласидандир.

Р.Иброҳимова: — Ҳақиқатан ҳам Конституциямизни ўрганиш, унга тўлиқ амал қилиш ҳар бир ўзбекистонликнинг биринчи галдаги вазифасидир. Бош қонунимизга тўлиқ амал қилсак, юртимизда ўсиш, ривожланиш бўлишини нуутмаслик керак. Зеро, Қомусимизнинг ҳар бир боби бизга тўри йўлни кўрсатиб турибди.

Р.Ярашева: — Бош Қомусимиз ҳақида гап кетгудай бўлса, қалбим бурур ва ифтихорга тўлади. Нега ҳам шодланмай. Қачонки, юртимиз дунё таниётган, одамлари бойиб қўша-қўша уйлар кураётган, тадбиркорликни йўлга қўйган ҳолда жаҳон кезаётган бўлса. Илгарилари хориз мамлакатга чиқиш мумкин эмас эди. Энди-чи? Хизмат сафари билан қатор чет мамла-

катларда бўляпмиз, ўз она тилимизда ҳужжат юритиб, тадбирлар ўтказаяпмиз. Бу ҳуқуқларимизнинг ҳаммаси Конституциямизда белгиланган. Шундай экан, ҳар қанча хурсанд бўлсак, байрам қилсак ярашади.

А.Абдувахобов: — Ҳар йили 8 декабр кунини биз ҳуқуқларимиз кафолатини байрам қиламиз. Бизникидай гўзал ва бетакрор, одамлари сахий ва меҳнаткаш юрт қаерда бор?! Сиз билан бизнинг вазифамиз эса ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланган ва бурчларимизга тўлиқ амал қилган ҳолда янги-янги ютуқларни қўлга киритишдан иборат.

Ҳ.Тошпўлатов: — Дунёда элат ва миллатлар жуда кўп. Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос тарихи, қадриятлари бор. Лекин, менинг назаримда, бизнинг миллатимиздаги каби буюк ва фахрлангулик тарих, бизники каби меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, меҳмоннавозлик бирорта халқда бўлмас керак. Бундай юртга байрамлар, тўйлар ярашади. Конституциямиз қабул қилинган кунни ҳам ҳар қанча байрам қилсак, шодлансак, қўқсимизни фахру ифтихорга тўлдирсак арзийди.

Қорхона алоқачилари шунингдек, шоир Ботир Эргашевнинг дилга якин шеърларидан намуналар эшитиб, "Ўзбекистон" острада бирлашмаси хонандаси Жавоҳир Ҳасановнинг қўшиқларини мириқиб тингладилар. Юраклардан ўрин олган юксак ғурур ва қувонч ҳислари чехраларга қалқиб чиқди.

Муборак МИРҚАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Бахту иқболимиз кафолати

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа қорхоналари ишчи-ҳодимлари, мутахассислари ҳамда ТАТУ Фарғона филиалининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари иштирок этдилар.

Тадбирни очган филиал тижорат директори Азиза Абдуллажоновна Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир қалбнинг тўрида туриши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда ТАТУ Фарғона филиали "Сиёсатшунослик" кафедраси катта ўқитувчиси Илҳомжон Рустамовнинг "Бахтимиз қомуси" деб номланган маърузаси тингланди.

Юртимиз истиқлолга эришган, мустақил ва демократик давлат макомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун уч минг йиллик миллий давлатчилик ҳамда хорижий конституциявий тажриба, инсон ҳуқуқлари бўйича стандартларни мужжасамлаштирган Асосий қонунимиз лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 1992 йилда икки марта 26 сентябр ва 21 ноябр кунлари халқ муҳокамасига қўйилди.

Шуниси қувончли эдики, муҳокамаларда халқимиз фаоллик кўрсатди. Фуқароларимиздан 600дан ортиқ таклифлар тушди. Шу туфайли ҳам аждоқлар мероси, урф-одатлари, менталитетимиз ҳисобга олинган халқчил Конституция қабул қилинди. Шунинг учун ҳам Президентимиз айтганидек, "Конституция халқимиз сиёсий донолиги ва тафаккури махсулидир".

Бундан ташқари, маърузачи 2010 йил 12 ноябрда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да мамлакатимиз раҳбари таклифи билан Асосий қонунимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга ҳам алоқачилик қўйилди.

Тадбирда иштирокчилар Конституциямизнинг тарғиботи, умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва коллежларда ўқитилиши, ҳуқуқий маданиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қай даражада эканлиги каби ўзларини қизиқтирган қўлаб саволларига жавоблар олдилар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ДАВЛАТ ХАЛҚ ИРОДАСИНИ ИФОДА ЭТИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАР ОЛДИДА МАСЪУЛДИРЛАР.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XIV боб, 63-модда.

Оилага эътибор — жамиятга эътибор

Оила тинч ва фаровон бўлса, жамиятда ҳам тараққиёт, юксалиш бўлади. Шунинг учун ҳам, айниқса, жорий йилда "Мустақкам оила йили давлат Дастури" доирасида республика миқёсида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Алоқа корхона ва ташкилотларида ҳам Дастур ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб маданий-маърифий ва ижтимоий муҳофазатга оид тадбирлар ўтказилляпти. Жумладан, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонасида оилалар мустақкамчилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— "Мустақкам оила йили давлат Дастури"нинг мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш ва ижросини таъминлаш юзасидан йил бошидаёқ чора-тадбирлар режасини белгилаб олганмиз, — дейди корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Саодат Ахмедова, — Барча ишларимизни ана шу режа асосида амалга оширяпмиз. Бу борада Республика маънавият тарғиботи маркази Тошкент шаҳар бўлими билан маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш борасида тузган шартномамиз, айниқса, кўл келляпти.

Дарҳақиқат, маънавият тарғиботи мутахассисларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган кўплаб тадбирларни корхона алоқачилари ҳамон эслаб юришибди. Масалан, "Оила муқаддасдир" мавзусида ўтказилган давра суҳбатиде оилани сақлаб қолишда ота-оналарнинг роли, ёшларнинг жамият, ота-оналар ва фарзандлар олдидеги бурчлари ҳақиде гап борган бўлса, "Оила — жамият ячeyкаси" номи билан ўтказилган тадбирда республика миқёсида оилалар мустақкамчилигини таъминлаш, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тилга олинди.

Корхона алоқачилари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор тошвириш асосий диққат-эътиборда бўляпти. Республика соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари билан ташкиллаштирилган "ОИТС — инсоният фожеси" мавзусидаги тадбирда носоғлом ҳаёт кечирини оқибатида юзга келиши мумкин бўлган янглич холатлар ҳақиде гапирилди. Шунингдек, "Қашандаликнинг олдини олиш" ҳақидеги давра суҳбати ҳам шу мавзуда қаратилди.

Ходимлар саломатлигини мустақкамлашга ҳам катта аҳамият берилляпти. Корхона ходимларининг спорт билан мунтазам шуғулланишларини ташкил этиш мақсадида алоҳида хона ажратилди, керакли спорт анжомлари билан жиҳозланди. Хоҳловчилар ўзларига маъқул спорт тури билан бажонидил шуғулланишмоқда.

"ЎЗТБРМ" ДУК маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ходимлар ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, байрамлар тантанали нишонланиши билан биргаллик кам таъминотли оилаларга моддий ёрдам ажратилляпти. Жорий йилнинг ўзида ушбу корхонада ишлаб нафақага чиққан 17 нафар фахрийга жами 3 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий кўмак берилди.

М.ИДРИСХЎЖАЕВА

Хурмат икки томонлама бўлмоғи лозим

Дарҳақиқат, кимки хурмату эъзозда яшашни истаса, ўзи ҳам бошқаларни хурмат қилишга, ўзгалар шаънини қадрлашга ўрганмоғи лозим. Бу фикр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Х боби, 48-моддасида қуйидагича ифода-ланган: Фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя қилишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдирлар.

Мен бу фикрларни бежиз келтирмадим. Хизмат такозоси билан кўплаб одамлар билан гаплашишга, улар муаммоларини хал этишимизга тўри келлади. Хар қандай холатда ҳам

ишни қонун йўли билан хал этишга ҳаракат қиламиз, албатта. Яқинда идорамизга икки ошанингил кириб келишди. Улардан бири ота-оналаридан қолган ховли тенг иккига бўлиниши керак, деб туриб олибди. Унинг бакириб-чакиришлари навбат кутиб ўтирганларнинг ҳам беҳузур қила бошлади. Иккинчиси эса уялганидан кўзини қаёққа яширишни билмай, жим ўтирарди. Биз биринчи аёлга ўзини хурмат қилган одам, бошқаларни ҳам хурмат қилиши лозимлигини тушунтириб, уйнинг ҳужжатларини сўрадик. У эса қонуний васиятномани ҳам тан олишни истамасди. Биз ота-она ховлини васият

қилишда адолатга риоя қилганини тушундик ва ўша аёлга қонундан четта чиқиш мумкин эмаслигини айтдик.

Афсуски, орамизда шарқона кадрятларимизни билмайдиган, оддий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдиган ана шундай инсонлар ҳам учраб туради. Оила — муқаддас даргоҳ. Унда истикомат қилувчи ака-укалар, опа-сингил ва овсинлар, у ерда улғаяётган фарзандлар бир-бирларини иззат-хурмат қилиб яшамоклари лозим. Шундагина оилада барака, юртда тинчлик бўлади. Буни ҳеч қачон унутмайлик!

Наргиза САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар Юнусовоб тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

Репродуктив саломатлик

Бухоро вилоятида аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, она ва болалар саломатлигини муҳофазат қилишда соғлиқни сақлаш тизими ходимларига вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари, адлия органлари, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Қамолот" ЁИХ ташкилотлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари, уламолар, бутун жамоатчилики бераётган ёрдами сезиларли бўляпти.

Амалга оширилаётган биргалликдаги сазй-ҳаракатлардан кўзда тутилган асосий мақсад — аҳолининг репродуктив саломатлиқига оид тиббий маданиятини янада юксалтириш, аёллар соғлигини мустақкамлаш, келажакимиз эгалари бўлган болаларимизнинг соғлом туғилишларини таъминлаш ҳамда жис-

моний ва маънавий барқамол авлодини вояга етказишдан иборат эканлиги ўз-ўзидан аён.

"Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалида ўтказилган навбатдаги маънавият ва маърифат ўқувиде ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Ўқув иштирокчилари Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази Бухоро филиали директори Нодири Холованнинг "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш — жамият тараққиётининг муҳим гарови" мавзусидаги маърузасини тингладилар.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2008 йилда қабул қилинган тегишли қарорига асосан болаликдан ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида вилоят "Она ва бола" скрининг маркази бир неча йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказ ҳомиладорликнинг эрта муддат-

ларида туғиладиган болалар ўртасида туғма нуқсонларни аниқлаш ҳамда янги туғилган чақалоқлар орасида ирсий касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш билан шуғулланади. Бу эса, ўз навбатида, болалар ўртасида туғма ногиронлиқни ҳамда қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг қамайтиришга олиб келади.

Маънавият ва маърифат ўқуви давомида сўзга чиққан вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева, филиал кадрлар бўлими бошлиғи Дилором Ходжиева, меҳнат фахрийси Шодмон Жумав ва бошқалар ҳам кун тартибидеги мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Аскар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



Биз "Хабар"ни танладик, сизчи?..

Ҳабиба РАСУЛОВА,
"UNICON.UZ" ДУК кутубхоначиси:

— Болалигимдан китоб ўқиш жонидим эди. Шу сабаб мактабни битиргач, кутубхонача бўлишга аҳд қилдим ва ушбу соҳада ўқиб, билим олдим. Бир неча йилдан бери сеvimли касбимда меҳнат қилляпман. Айниқса, алоқачиликдек сермашаққат касб эгаларига фойдам тегаётганидан мамнумман.

Соҳада олиб борилаётган ишларни ва хатто Олий Мажлисда кўрилаётган кутубхоначиликка оид янгиликларини, чет эллик ҳамкасбларимиз иш тажрибаларини "Хабар" газетаси саҳифаларидан ўқиб, билиб оляпман. Газетанинг бирор сонини йўқки, кутубхоналарда ўтказилаётган тадбирлар ёритилмаётган бўлса. Шунингдек, "Хабар" мен меҳнат қилаётган корхона ходимларининг ҳам сеvimли газетаси.

Ўтган йилги каби бу йил ҳам тахририят таклиф этган имтиёздан фойдаланган ҳолда корхонамиз ходимларидан 150 киши газетлага бир йилга тўлиқ обуна бўлишди. Ишонманки, тахририят ходимлари газета саҳифаларида бундан буён ҳам бизга манзур бўладиган мақолалар чоп этаверадилар.



Ботир ЗИЯХОДЖАЕВ,
"ТШПТ" филиали моддий-техника таъминоти бўлими етакчи мутахассиси:

— "Хабар" алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида юртимизда ва хорижда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, янгиликлар, ушбу жаҳада меҳнат қилиб, аҳолининг алоқага бўлган эҳтиёжларини қондиришга муносиб хисса қўшаётган инсонларнинг ҳаёти, фикр-ўйлари, эзгу мақсадлари ҳақиде хикоя қилувчи ягона газета. Шунинг учун ҳам обуна мавсуми бошланиши биланоқ биринчилардан бўлиб "Хабар"га ёзилмаиз ва унинг хар бир сонини ўзгача қизиқини, зўр иштиёк билан ўқиб чиқамиз. Айниқса, корхонамиз ходимлари фаолияти ёритилган махсус саҳифалар кўлма-кўл бўлиб кетади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Корхонамиз алоқачиларидан 500 киши "Хабар"га бир йилга тўлиқ обуна бўлишди. Бу борада яна тахририят томонидан таклиф қилинган имтиёздан унумли фойдаландик. Бошқа ҳамкасбларимизнинг ҳам ушбу имтиёздан фойдаланишларини истар эдик.

Хурматли газетхон! Сизчи, Сиз ҳам ўз газетангизга обуна бўлдингизми? Шошилинг, фурсат оз қолаптир. Газетлага барча почта алоқаси бўлимларида, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлиш мумкин.

OBUNA-2013



Xalqaro hayot



ИСРОИЛ ҳарбийларининг сўнги бир неча кун ичида Газо шаҳрига ракета зарбаларини бериши натижасида ҳалок бўлганлар сони юз кишига етди. Қурбон бўлганларнинг деярли ярми тинч аҳоли вакиллари. Associated Press хабар беришича, жами жароҳатланганлар сони 850 кишини ташкил қилади.

Можаро ўтган чоршанба кун Исроил ХАМАС қуроли қаноти раҳбарини ўлдириши ортидан бошланиб кетганди. Миср урушаётган икки томонни яраштиришга уринмоқда. Яраштирув режаси тафсилотлари маълум эмас, аммо Исроил ҳам, ХАМАС ҳам ўз таклифларини тақдим этишган.

ФРАНЦИЯ Афғонистондаги сўнги ҳарбий миссиясини якунлади. Agence France-Presse хабарига кўра, 20 ноябр кун Исроил француз кўшинлари Қабис вилоятидаги Нижроб базасидан олиб чиқилган.

Франция афғон кампаниясига 2001 йилнинг охирида қўшилган эди. Айни пайтда Афғонистонда тахминан 2,2 минг франциялик ҳарбий бор. Уларнинг 700 нафари йил охиригача ватанига қайтади, 1500 нафари эса ноҳарбий вазифалар, жумладан, армия мулкни олиб чиқиш кетишга тайёргарлик кўриш ва афғон аскарларини тайёрлаш учун қолади. Афғонистонда ўн бир йил олиб борилган уруш давомида 88 нафар француз ҳарбийси ҳалок бўлган.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯда Тонгариро вулкони жорий йилда иккинчи марта отила бошлади. Шимолий оролнинг марказида жойлашган вулқондан ҳавога уч километр баландликда кул отилган.

Вулқон отилиши вайронагарчиликлар ва транспорт ҳаракатида сезиларли узиллишлар келтириб чиқармаган. Бироқ ҳукумат вакиллари ушбу ҳудуддан учиб ўтадиган самолётларга тоғни айланаб ўтишни, маҳаллий аҳолига уйдан чиқмасликни ва дераза ойналарини маҳкам ёпишни маслаҳат берганлар. Шунингдек, хавфсизлик мақсадида вулқонга яқин ҳудудда жойлашган шоссе вақтинча тўсиб қўйилган.

МОСКВАдаги Горкий маданият ва истироҳат боғида Европадаги энг катта муз майдони очилди. Майдоннинг катталиги 18 минг квадрат метрни ташкил этади. 16 ноябрдан ишга туширилган муз майдони 2013 йилнинг 10 мартига қадар дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Майдонда фигуралар учини, хоккей, рақс майдонлари ташкил қилинган.

ЖАҲОН БАНКИ оғоҳлантиришича, агар иқлим ўзгариши олдини олиш учун зарур чоралар кўрилмаса, асримиз якунига бориб дунё бўйлаб ҳаво ҳарорати тўрт даражага ошиши мумкин. Акс ҳолда дунё кейинги юз йил ичида денгиз сатҳининг ошиши, озик-овқат етишмаслиги ва об-ҳавонинг кескин тарада ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши мумкин.

Жаҳон банки прогнозларига кўра, дунё давлатлари ҳавога заҳарли газларни чиқариш бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажарган тақдирда ҳам дунё ҳароратининг бу юз йиллик якунига қадар уч даража ўсиши олдини олиш имконсиз бўлиши мумкин.

Шу ҳафта Windows амалиёт тизимлари ишлаб чиқилганига 27 йил тўлди. DOS учун график қопламанинг биринчи шакли ўша пайтда ҳеч ким танимайдиган ва ҳозиргидек бой бўлмаган Билл Гейтснинг шахсий иштироки ва назорати остида ёзилганди.

Windows 1.0 тақдироти 1985 йилнинг 21 ноябр кун итказилди, орадан сал ўтмай унинг рекламасида Microsoftнинг ҳозирги раҳбари Стив Баллмер суратга тушди.

Windows 1.0 ишлаши учун 256 килобайт хотира керак бўлиб, иккита дискетда жойлашганди. Ажратилган график карта ўша пайтда ҳам талаб қилинган. Ҳозирги фойдаланувчилар ўрганиб қолган ва Windowsни бошқа амалиёт тизимларидан осон ажратиш олишда кўл келувчи "Пуск" назорат панели ва бошқа элементлар бўлмаган. Бу хусусиятлар кейинчалик унинг иккинчи ва учинчи шаклларида юзага чиқарилди.

Мазкур амалиётлар оиласининг оммалашини Windows 95 бошла берди. Қизиғи, Microsoftнинг ўша пайтдаги раҳбарияти ҳонадонларда глобал тармоққа кириш умуман бўлмайдиган, деган



Copyright (c) Microsoft Corporation, 1985. All Rights Reserved. Microsoft is a registered trademark of Microsoft Corp.

тўхтама келгани учун Windows 95нинг биринчи шаклида браузер ва интернет воситалари ўрнатилмаганди. Аммо, орадан кўп ўтмай, Windows 95 янгилади: унга Internet Explorer ўрнатилган, Dial-Up мижоз ва TCP/IP қўллаб-қувватлашига эга эди.

Яна бир қизиқ маълумот: компютер ёқилиб, Windows ишга тушишида мусиқа таралади. Мусиқа муаллифи бастакор Брайн Эно бўлиб, атиги 3,5 сония давом этувчи мусиқаси учун 1994 йили 35 минг доллар хизмат ҳақи олган.

Windows 95 худди Windows 98 каби MS-DOSга боғланган эди, фақат улардан кейинги "виндовс"лар бу хусусиятдан холи. 2001 йили чиқарилган Windows XP DVD ва USBни қўллайдиган бўлди. Уму-

ман олганда, Windows XP — 45 млн. қатор дастурий коддан тузилган эди.

Windows 1.0дан то XP чиксунича ўтган даврда (16 йил) жаҳон бозорларида 1 миллиард атрофида шахсий компютер сотилган.

Таассуф бўлсинки, кейинги авлод — Windows ME ва Windows Vista компания тарихидаги энг катта инқирозга сабаб бўлди. Windows ME тақдиротидан сал ўтмасданок унутилиб кетди, Vista эса жами Windowsлариникини йиққандан ҳам кўпроқ танқидга учради.

Сўнги маълумотларга қараганда, ҳозир жаҳондаги компютерларнинг тахминан 70,4 фоизи Windowsда ишляпти. Янада оддийроқ ифодалганда, бу 1,693 млрд. фойдаланувчи дегани.

AT-хабарлар



Касперский лабораториясининг оғоҳлантиришича, сўнги пайтларда Twitter сингари сайтлар орқали амалга оширилаётган фишинглар кўп кузатиляпти. Ҳушёрлик сал йўқотила, хакерларнинг тузоғига тушиш ҳеч гап эмас.

Фирибгарлик ресурс-сайтини домен номидан аниқлаш осон. Масалан, Twitter фақат twitter.comдан фойдаланади. Google Chrome ёрдамидан фойдаланса ҳам бўлади: агар мазкур браузердан микроблогнинг расмий сайтига кирсангиз, манзиллар қатори яшил рангда ажратиб кўрсатилади. Бу доменнинг SSL-сертификат билан тасдиқланганини аниқлатади.



Хитой 2013 йилнинг бошларида ўзининг 8 ядроли процессори тақдиротини ўтказмоқчи. Бу ишланманинг имкониятлари Intel ёки AMDнинг замонавий чипларига тенглаштириляпти.

Loongson Technology компаниясида тайёрланган Godson-3D1500 чиплари 1,35 ГГц частотали бўлиб, 172,8 Гфлоп/сония тезликда ишляпти. Чип бор-йўри 40 ватт энергия сарфляпти.



Британия миллий телекоммуникациялар назоратчиси — Ofcom "Туманли Албион"да бешикчи авлод тармоқларини ётқишига ҳозирликни бошлаб юборди. Ofcom прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб, британияликлар ўзаро алмашаётган маълумотлар ҳажми ҳозиргига нисбатан 80 маротаба ўсиши кутиляпти, шу боис умум-миллий даражадаги бешикчи авлод тармоқларини жорий этиш зарурати тувилган.



Мicrosoft корпорацияси Шайенн шаҳрида (Вайоминг штати, АКШ) янги дата-марказ қурмоқчи. Хабарларга кўра, дата-марказ унчалик ҳам йирик эмас, шунга қарамадан, унинг қурилишига 112 миллион доллар атрофида маблағ сарфланади.

Дата-марказнинг ўзига хослиги шундаки, у биогаз асосида ишляпти ва асосий энергия манбаи сифатида метандан фойдаланилади.



Дeutsche Telekomнинг шўъба корхонаси — T-Systems компанияси маълумотларга ишлов бериш бўйича Европадаги йирик, Германиядаги энг катта дата-марказни қуришни режалаштиряпти. Дата-марказ ҳудуди 150 минг квадрат метр (тахминан 30та футбол майдони)га тенг бўлиши кутиляпти.

Айни пайтда T-Systems ихтиёрида 22та дата-марказ ишлаб турибди.



Япониянинг Sharp компанияси ходимларининг 2960 нафари ўз хоши билан ишдан бўшаётганини билдирди. 2013 йилнинг март ойида якунланган молиявий йилни компания рекорд даражадаги, яъни 5,5 млрд. долларлик йўқотишлар билан якунлашни прогноз қилганди. Шу муносабат билан унинг жаҳондаги филиаллари бўйлаб беш мингта иш ўрни қисқартирилади.



Гoogle ўзининг почта тизими — Gmailни ривожлантиришда давом этиляпти. Бу сафар Gmail интерфейси янги, бир қарашда ноодатий тил — Чирок қабиласи хиндулари тили ҳисобига кенгайтирилди ва жами фойдаланишдаги тиллар сони 57тага етказилди.



Бир пайтлар телекоммуникация корхоналарининг иқтисодий ва жамиятда тутган ўрни нари борса кишиларни мулоқот қилишлари учун боғлаб бериш билан чекланган бўлса, бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиши ва албатта соҳага ҳукумат даражасида берилган катта эътибор шарофати билан кенгайиб кетди. Интернет хизматлари, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар борасида янги имкониятлар очилиши, узоқ қишлоқларга ҳам юқори технологияларнинг кириб бориши, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида илғор технологияларнинг татбиқ этилиши ва бошқа янгиликларнинг жорий этилишида бевосита соҳа корхоналарининг ҳиссаси бекиёс.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг юқоридаги каби йўналишларда олиб бораётган кенг қўламли ишларида Тошкент филиали жамоасининг ҳам ўз ўрни бор. Айтиш керакки, жорий йилда филиалда бир қатор муҳим янгиликлар амалга ошди, "Ягона ойна" тамойилидаги бир қатор универсал савдо шохобчаларининг очилиши, қатор инфратузилма объектлари орасида оптик толали кабел ётқизилганлиги, янги усуналар ҳисобига кўшимча хизматлар кўрсатиш истиқболлари очилгани — филиал тўққиз ойлик фаолиятининг турли йўналишлари сарҳисоб қилинганда юзага чиқди.

Телефонлаштириш

Тошкент филиали бўйича айни пайтгача ўрнатилган АТСлар сони 116та (100 фоиз рақамлашган) бўлиб, ўрнатилган сифими 138710 рақамни, фойдаланиш сифими 123205 рақам (88,8 фоиз)ни ташкил этди. 2012 йилнинг 9 ой якуни бўйича маҳаллий телефон тармоғида асосий телефон аппаратлари сони 123 205 мингтадан иборат бўлди.

"ЎзМобайл" филиали билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига асосан филиал ходимлари 2012 йил 1 октябрга "ЎзМобайл" филиали тармоғига 4468 нафар абонентни улаб беришди.

Тошкент вилоятида филиалнинг интернет хизматларидан фойдаланиб келаётган абонентлар сони 2012 йилнинг 1 октябр ҳолатига 10039тани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4301та (175,0 фоиз)га ва йил бошига нисбатан 3229та (147,4 фоиз)га кўпдир.

Инвестицион лойиҳалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси) буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида IPTV, видеотелефония, юқори тезликда интернет хизматларини қамраб олган FTTV лойиҳаси амалга оширилди. Жумладан, Ангрэн телекоммуникациялар боғламаси томонидан 44та, Олмалик телекоммуникациялар боғламасида эса 55та кўп

ЭЪТИБОР ШАРОФАТИ
"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиалида
фаолият турлари кенгаймоқда



қаватли уйга FTTV технологияси асосида оптик толали алоқа линияси (ОТАЛ) ётқизиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, 2011-2012 йил манзилли лойиҳаларига кўшимча тарзда Бекобод ва Қибрай телекоммуникациялар боғламаларида ОТАЛ қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган давр мобайнида 2012 йил инвестиция дастурига киритилган Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси 22-26-АТСларда ўрнатилган DTS-3100 турдаги станциялар 7та MSAG, Келес телекоммуникациялар боғламаси 965-АТСда ўрнатилган DTS-1100 турдаги станциялар 3та MSAG турдаги замонавий станцияларга алмаштириб, NGN тармоғига улаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида MSANлар ўрнатилиши мўлжалланган жойларда қурилиш амалга оширилди.

Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида биноан "Биопаспорт" тизimini жорий этиш ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси) буйруғи мувофиқ Тўйгепа ("Корасув"), Фазалкент ("Озодбош") ва Оҳангарон ("Чинор" ва "Бескостин") телекоммуникациялар боғламалари томонидан ЙПХ масканларига ОТАЛ қуриш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Бекобод телекоммуникациялар боғламаси томонидан "Платини-авто" божхона терминаллари, "Чинор" ЙПХ ва "Саридала-авто" божхона терминали оралигида ОТАЛ қуриш ишларини амалга ошириш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, давлат экспертизадан ўтказилди ҳамда Оҳангарон "Чинор" ЙПХ ва "Саридала-авто" божхоналари оралигида оптик кабеллар ётқизилди.

Тошкент филиали "Электрон таълим" миллий тармоғи лойиҳасида ҳам фаол иштирок этишти, хусусан, ўтган тўққиз ойда ббта умумтаълим мактаби, вилоят ҳудудида жойлашган ЎЗМУ қошидаги Зангиота академик лицейига ОТАЛ қуриш учун лойиҳа-смета ҳуж-

жатлари ишлаб чиқилиб, давлат экспертизасида ўтказилган бўлса, 18та ўрта махсус касб-хунар коллежига ОТАЛ қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланыпти.

Филиалнинг 2012 йилдаги фаолиятида вилоятдаги касб-хунар коллежлари билан ҳамийлик-ҳамкорлик йўналишига ҳам катта эътибор берилди. Жумладан, Ангрэн шаҳар компютер ва ахборот технологиялари ҳамда Ўртачирчиқ туман ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежларига филиал мутахассислари томонидан тайёрланган кўргазмали компютер стендлари ўрнатилди. Шунингдек, мазкур коллежлардаги махсус хоналарга "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ" филиалида амалга оширилган реконструкция ишлари натижасида фойдаланишдан олинган "Alcatel" русумидаги, монтаж сифими 500 нуқтани ташкил этадиган коммутация станцияси қурилмалари ҳам филиал мутахассислари томонидан ўрна-либ ишга туширилди. Бундан тўққари, Ангрэндаги коллежда 1050 метр узунликдаги ОТАЛ ташкил этилиб, охирил-лаш (оптик бокс) усуналари ўрнатилди.

Янги хизматлар

Тошкент филиали тизимида "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатувчи UZTELECOM савдо офислари сони 2011 йили тўрттани ташкил этган бўлса, 2012 йили уларнинг жами сони 10тага етказилди. Йил охиригача Фазалкентда ҳам шу турдаги савдо шохобчаси ишга туширилади. Таъкидлаш ўринлики, мазкур хизмат кўрсатиш марказлари компаниянинг янги бренди асосида, замонавий дизайнда, мижозлар учун хар томонлама қулайликлар яратилган ҳолда барпо этилаётгани, энг муҳими, янгидан-янги хизматлар таклиф этилаётгани боис тобора гавжумлашиб, сердаромад йўналишига айлана борапти.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида хизмат кўрсатиш масканлари операторларини ишга танлаб олиш, уларни замонавий стандартлар асосида ўқитиш, барча зарур норматив ҳужжатлар билан таъминлаш йўналишида "Ўзбектелеком" АК "БРМ" филиали билан ҳамкорлик қилинмоқда. Такомиллаштирилган операторлик масканлари учун ходимларни ишга қабул қилиш бўйича танловлар ўтказилди. Танловларда юзга яқин номзодлар орасидан энг билимли, энг меҳнатқаш 30 нафари савдо офисларига ишга олинди.

Собит АХАДОВ,
 "Xabar" мухбири

Тошкент вилоятида инфратузилма объектларини телефонлаштириш даражаси

Муассасалар номи	Жами	Телефонлашганлари сони, дона	Фоиз ҳисобидда
Меҳрибонлик уйлари	2	2	100,0
Лицейлар	6	6	100,0
Қишлоқ врачлик пунктлари	262	257	95,6
Поликлиника муассасалари	62	62	100,0
Мактаблар	883	868	98,3
Касалхоналар	76	76	100,0
Коллежлар	121	113	93,4
Санаторийлар	1	1	100,0
Болалар боғчалари	427	302	70,7
ЖАМИ:	1842	1689	91,69

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА (2012 йил, 9 ой)

- ▶ Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари сони — 13 670,0 мингта (ўтган йилга нисбатан ўсиш — 103,3 фоиз)
- ▶ Рақамли АТСларда сотилаётган хизматлар сони — 33779та
- ▶ Рақамли АТСларда кўрсатилаётган кўшимча хизматлардан фойдаланувчилар сони — 29124 нафар

Доступ к сайтам в зоне UZ из-за рубежа ускорится

В США начал функционировать новый DNS-сервер доменной зоны UZ. Это второй сервер за рубежом. До этого национальный домен поддерживался шестью DNS-серверами.

В США начал функционировать новый внешний DNS-сервер доменной зоны UZ, сообщила Администрация национальной доменной зоны Узбекистана.

DNS-сервер - это служба преобразования доменных имен в IP-адреса, понятные маршрутизаторам и серверам интернета. Чем больше DNS-серверов, тем быстрее пользователи перенаправляются на сайты определенной доменной зоны.

До настоящего времени домен UZ поддерживался шестью DNS-серверами, причем за пределами Узбекистана был лишь один сервер - в Германии. С 16 ноября таких серверов стало семь.

ns уз. 91.212.89.8 Uzbekistan, UZINFOCOM

ns2 уз. 81.95.224.158 Uzbekistan, Sarkor Telekom

ns3 уз. 195.158.1.22 Uzbekistan, UzNET

ns4 уз. 87.139.105.60 Germany, EuroCom (Tomas)

ns5 уз. 217.12.81.129 Uzbekistan, BCC

ns6 уз. 83.69.129.4 Uzbekistan, UzSci.net

ns7 уз. 54.243.198.194 USA, N. Virginia

Новый DNS-сервер находится на пересечении скоростных сетевых потоков, благодаря чему перенаправление запросов пользователей со всего мира в доменную зону UZ будет проходить быстрее.

Сервер протестирован и одобрен ICANN (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers), международной некоммерческой организацией, регулирующей вопросы, связанные с доменными именами.

"Билайн" меняет условия в самом популярном тарифе


Мобильный оператор "Билайн" с 30 ноября меняет условия в тарифе "О!", пользователями которого являются более половины абонентов компании.

С последнего дня ноября стоимость первой минуты исходящего внутрисетевого звонка в тарифе "О!" останется неизменной - 2,5 цента, однако вторая минута дорожает на полцента - до 1,5 цента. Главное изменение в том, что все остальные минуты разговора, ранее бесплатные, теперь обойдутся в 1 цент. Другие условия тарифа остаются прежними (SMS - 2 цента, исходящие вне сети - 3 цента, абонентская плата - 2 цента в день).

Для абонентов "О!" в период с 22 ноября по 10 января плата за переход на тарифный план "Новый О!" не взимается (переход с других тарифов - 1 доллар). Пугает лишь стоимость ухода с "Нового О!" - целых 10 долларов. Однако в компании заверили, что уже в ближайшие дни эта цифра будет снижена до уровня аналогичных расценок на других тарифах.

КОРОТКО...

■ Проект крупнейшей в Северной Африке солнечной электростанции Орзагат в Марокко получил финансирование от европейских инвесторов, правда из сметной стоимости станции в 300 млн. евро пока удалось собрать



около половины суммы.

В Марокко говорят, что намерены в будущем стать поставщиком солнечной электроэнергии мирового класса и экспортировать электроэнергию в ближайшие страны и в первую очередь в Европу.

Строительство станции Орзагат должно проводиться в несколько этапов, причем суммарная стоимость станции составит 1 млрд. долларов, а ввод станции в эксплуатацию ожидается в конце 2014 года. К 2020 году мощность станции должна будет достичь 500 мегаватт.

■ "Лаборатория Касперского" провела исследование ежедневной ак-

КАСПЕРСКИЙ


тивности пользователей в Сети. Оказалось, что россияне чаще других используют различные интернет-сервисы для общения, при этом коммуникация посредством электронных писем стала самым распространенным вариантом ответа: почти 95% российских пользователей ежедневно проверяют свои почтовые ящики, пишут и читают электронные сообщения. В среднем по миру этот показатель меньше почти на 10%, а в Западной Европе, например, и того ниже - около 83%.

■ Windows 8 пока не оказывает никакого влияния на компьютерный рынок. Продажи новых компьютеров, судя по всему, до конца этого года не покажут чудес и компании-продавцы снижают уровни ожиданий по продажам новых ПК на базе Windows 8, говорят аналитики.

В Торека говорят, что сейчас на рынке сложилась такая ситуация, что ИТ-рынок, который до сих пор пока-


зывал сравнительную независимость от макроэкономики, впал в прямую зависимость от нее и движется в соответствии в трендами в мировой экономике.

Итог исследования прост: пока Windows 8 не оказывает никакого влияния на ИТ-рынок, производители и продавцы не увеличили объемы заказов, так как не считают, что новые продукты будут пользоваться спросом. В октябре 2009 года мы также зафиксировали отсутствие роста, однако тогда значительный рост был в июле, августе и сентябре.



■ Western Digital выпустила 4-терабайтную версию своего самого производительного жесткого диска для настольных компьютеров - WD Black. Новый жесткий диск имеет вдвое увеличенную емкость, а мощность встроенного в него чипа была увеличена вдвое. Новый WD Black 4TB выполнен в 3,5-дюймовом корпусе, имеет скорость вращения в 7200 об/мин, 64-мегабайтный блок кеш-памяти и работает по интерфейсу SATA 6 Гбит/сек.

■ Компании Nokia Siemens Networks и Ballard Power Systems говорят, что топливные системы пита-



ния на базе метанола могут стать частью сотовых базовых станций и поддерживать работоспособность последних в случае сбоя в электроснабжении. Тестировать подобные разработки Nokia Siemens и Ballard Power намерены уже в ближайшем будущем на примере сети японского сотового оператора NTT DoCoMo.

Метаноловые системы по своим габаритам меньше и легче обычных генераторов. Как рассказали в Nokia Siemens Networks, предлагаемая концепция метанолового питания для сотовой вышки предлагает обеспечить мощность электропитанием примерно на 40 часов на одном баке из 225 литров жидкого метанола, что составляет примерно 5,6 литра метанола в час.

■ Компания Cisco Systems объявил о достижении соглашения по покупке компании Meraki примерно за 1,2 млрд. долларов, чтобы расширить собственные возможности Cisco в сфере удаленного управления сетевыми устройствами.

Компания Meraki является частной и ранее она была поддержана инвестиционным подразделением Google, а также фондом Sequoia Capital. Продукты, выпускаемые Meraki, позволяют удаленно контролировать и перенастраивать работающие компьютерные сети в масштабах компании или датацентра.

■ Компания Intel сообщила, что генеральный директор Пол Отеллини планирует в мае 2013 года уйти на



пенсию. В Intel Отеллини проработал практически 40 лет.

Аналитики встречают уход Отеллини со смешанными чувствами с одной стороны позиции Intel на рынке микропроцессоров остаются непоколебимы, но с другой компании по-прежнему не удастся что-либо противопоставить компании ARM на перспективном рынке мобильных продуктов.

■ Если верить теории о том, что жесткие компьютерные игры дают человеку разрядку и делают его менее опасным, то австралиец Окан Кая должен стать совершенно безопасным. Сегодня в одном из сиднейских офисов онлайн-ритейлера 4Cabling, где Кая работает менеджером по продажам, представители Книги Рекордов Гиннеса зафиксировали новый мировой рекорд: Кая без перерыва на протяжении 122 часов играл в новый шутер Call of Duty: Black Ops 2.

ПОЭЗИЯ

МОЙ УЗНЕТ!

Был таким юным, простым мальчишкой, в голове было пусто,
И сказал мне мой учитель иди вперед, шагай смело,
Судьба моя как ветер могучий привела меня,
Стою и смотрю на красивое здание, мандраж пал на меня.
И встретили меня гостеприимно, как родной, свой человек,
И счастлив я что попал именно сюда, в эту организацию УзНет!
Со следующего дня я стал всасывать профессию, как простая губка.
И всё научили, все помогли! Спасибо вам всем мои коллеги!
Вот начал работать как муравей,
И с каждой комнаты слышу только слово "Спасибо!"
Спасибо не мне, а вам, за то что вы есть,
Спасибо тебе огромный, любимый и родной мой УзНет!

Фаррух САФАРОВ,
сотрудник филиала "ЦРБ" АК "Узбектелеком"



КАК СИЛЬНО

Как сильно мне хочется плакать,
Как сильно хочу я рыдать.
Как сильно все мои ошибки
Очень хочу исправлять.
Как сильно хочу измениться,
Как сильно хочу осознать.
Как сильно хочу извиниться.
Как сильно хочу я понять.
Как сильно хочу помириться,
Как сильно хочу я дружить,
Как сильно хочу я поверить,
Что счастливо буду я жить...

Сабина АКБАРОВА
город Ташкент

Хабар +tv

47 (1055)-son

2012-yil 23-noyabr

Хабар

7


ДУШАНБА — 26 НОЯБР

- 5.55 Курсувгар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Андерсен ақсақллари", М/с.
- 7.25 "Кунги қишқ истайд!"
- 7.35 "Иқиди".
- 8.40 "Олам на олам" дастури: "Замин гаройиболари".
- 7.00 Тақдирнома.
- 8.40 - 9.40 "Майнавийн" дастури.
- 9.40 "Моҳир кўлар".
- 9.50 "Тонги гавҳар", Т/с.
- 10.40 "Иқиди".
- 10.45 "Саломатлик сирлари".
- 11.00 "Азборот".
- 11.10 "Ватанпарвар".
- 11.55 "Иқиди".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 12.50 "Кунги қишқ истайд!".
- 12.55 "Доктор Халв", Т/с.
- 13.40 "Хилоф сари".
- 14.00 "Азборот".
- 14.15 Миллий кино: "Кичкина табии".
- 15.45 "Иқиди".
- 15.50 Жади мукариб завоқисин Э. Г'ам.
- 16.40 "Инои даре оралитид".
- 17.00 "Азборот".
- 17.10 "Юрган - даре".
Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича департаментнинг истиқболли йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: IPv4 протоколидан IPv6 протокоliga ўтиш, маълумотлар узатиш тармоғининг сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш; VoIP трафик ўтказишнинг долзарб муаммолари; NGN келгуси авлод тармоқларида телетрафикни тадқиқ қилиш; Ўзбекистон телекоммуникация транспорт тармоқларида xWDM технологияларини қўллаш; фойдалана олиш телекоммуникация тармоқларида xDSL технологияларини қўллаш.

Келажакда биз ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш учун норматив ҳужжатларни яратган ҳолда бозорнинг ушбу сегментларини ҳам қамраб олишни режалаштирялмиз.

Асиялжон МИРҲАБИБОВ,
"UNICON.UZ" ДУК Алоқа ва ахборотлаштириш илмий-тадқиқот департаменти бошляғи



ФАКТ

БМТ ҳисоботига кўра, афгон эркеклари орасида саводхонлик даражаси 40 фоизгача бўлган бир пайтда, ўқимишли хотин-қизларнинг сони 10 фоиздан сал ортади, холос.



Афғонистон: "Мобил устоз" дарс беради

Афғонистонда янги таълим дастури йўлга қўйилди. Унга мувофиқ, узок йиллик урушлар боис тахсилдан бебахра қолаётган хотин-қизлар қўл телефонлари орқали ўқиш ва ёзишни ўрганишади. "Мобил Устоз" деб номланган ушбу янги таълим дастури ёрдамида хотин-қизлар дари ва пуштун тилларида саводларини чиқаришади. Математикадан ҳам сабоқ олишади. Барча сабоқлар уяли телефонга аудио-видео шаклида жойланган ва шу йўл билан ўз саводларини чиқармоқчи бўлган хотин-қизларга текин тарқатилади.

Янги лойиҳа Америка Қўшма Штатларининг молиявий ёрдами билан Афғонистон Маориф вазирлиги ва "Пайвастун" маҳаллий провайдер томонидан амалга оширилмоқда.


Сўнгги йилларда қўл телефонлари Афғонистонда штоб билан оммалашиб бормоқда. Аммо аҳолисининг саводхонлиги борасида мамлакат дунёда энг қуйи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис ҳам янги лойиҳа бутунги мамлакат шароитида саводхонликка барҳам беришнинг энг самарали йўлларида бири сифатида қўрилмақда.

"Пайвастун" вакили Майк Довсоннинг айтишича, ўз саводларини чиқармоқчи бўлган афгон хотин-қизлари аввал ҳеч қачон бу каби имкониятга эга бўлишмаган. Фақат "Хар болага биттадан

ноутбук" халқаро дастури асосида Қобул, Кандаҳор, Хирот, Бағлон ва Жалолобод аҳолисига уч мингта компютер етказиб берилган. Янги лойиҳа ўқитувчиларнинг ишларини анча енгиллатди. Бундан ташқари, қўл телефонлари компютерларга қараганда анча арзон ва одамлар уни ишлатиш қўникмасига эга.

Тахсил олмоқчи бўлганларга яна Маориф вазирлигининг веб-сাইтфаси ҳам қўл келиши мумкин. У ерда ҳам махсус онлайн сабоқлари ташкил этилган. "Биз имкон қадар катта сондаги аҳолини жалб этишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, инглиз, араб тилларини ўргатиш, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги сирсиноатларидан сабоқ беришни ҳам йўлга қўйиш режамиз бор. Одамлар ҳали "Мобил Устоз"нинг имкониятидан беҳабарлар. У худди компютерга ўхшаб ишлайди", дейди Довсон.

Айни пайтда янги лойиҳа фақат пойтахт Қобулда юзга яқин "ўқувчи" ёрдамида синаб қўрилмақда. Улардан аксарияти хотин-қизлардир. Маориф вазирлигининг билдиришича, тажриба муваффақиятли кесса, у бутун мамлакат бўйлаб йўлга қўйилади ва асосий эътибор саводсиз хотин-қизларнинг саводларини чиқаришга қаратилади. Бунинг учун барча чоралар ишга солинади.



"Электрон кутубхона — навигация ва кидирувнинг замонавий воситалари билан таъминланган, тартибга солинган турли-туман электрон ҳужжатлар (шунингдек, китоблар) коллекциясидир", дея таъриф берилади wikipedia сайтыда. Электрон кутубхоналар ўзида жуда катта ҳажмдаги материалларни жамланган ҳолда универсал ҳамда ихтисослашган бўлиши керак.

Электрон кутубхона: Мутолаа завқи

Электрон кутубхоналарни аралаш таркибда, асосан, адабий сайтлардан фарқлаш лозим. Адабий журнал босма нашр бўлиб, улар ҳеч бир ўзгаришларсиз интернетта жойлаштирилади, электрон кутубхона эса, адабий сайтлардан фарқли ўларок, доимий янги материаллар билан янгиланиб турилади.

"Гутенберг" — илк лойиҳа

Электрон кутубхона ташкил этиш бўйича биринчи лойиҳа "Гутенберг" лойиҳасидир (1971 йил).

Компютер ва интернетдан фойдаланувчилар сони ортиши билан кўплаб одамлар электрон китоблардан фойдаланишни бошлади. Бу ўз-ўзидан офлайн кутубхона фойдаланувчилари сонининг камайишига сабаб бўлди. Масалан, 1997-2002 йиллар мобайнида Айдахо университети кутубхонасига ташриф буюрувчилар сони 20 фоиздан кўпроқ тушиб кетди, кутубхонанинг электрон талқинидан фойдаланувчилар эса 350 фоизга ошди. Шу боис кўплаб кутубхоналар сақловхоналаридаги китоблар фондининг электрон талқинини яратишга жиддий киришиб кетдилар.

1990 йили АКШ Конгресс кутубхонаси мамлакат тарихига оид электрон материалларга эркин ва бепул кириш имконини берувчи "Америка хотираси" лойиҳасини бошлади.

Google 2002 йили китобларни рақамлаш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришди. 2004 йилнинг декабрида "Google Print" деб номланган кутубхона лойиҳаси ишлари бошлангани ҳақида эълон қилинди ва бу лойиҳа 2005 йили "Google китоблар кидируви" деб қайта номланди.

2008 йилнинг 20 ноябрида Europeana умумевропа рақамли кутубхонаси амалга келиши татбиқ этилди. 2009 йилнинг 21 апрелида эса Бутунжаҳон рақамли кутубхонасининг расмий очилиши бўлиб ўтди.


Электрон кутубхоналарда жойлашган асарлар шакллари икки тоифага ажратиш мумкин — матнни ўқиш учун онлайн тарзда тақдим этиладиган ҳамда ўқувчи компютерга юклаган олиш учун тақдим этиладиган шакллар.

Биринчи тоифанинг энг кўп тарқабган шакли — HTML бўлиб, матнлар TXT шаклида бўлади. Бу ушбу анъана билан боғлиқ: дастлабки электрон кутубхона пайдо бўлган вақт (1994 йил)да интернетда ишлаш тезлиги жуда паст бўлган ва жўнатилгани мана шу энг енгил шакли қўлланилган.

Юклаган олиш шакллари — TXT; RTF ва DOC; Mobirocket .PRC (шахсий компютерлар ва телефонларда китоб ўқиш учун шакл). Шунингдек, баъдий асарларни сақлаш учун махсус ташкил этилган FictionBook (FB) формати жуда машҳурдир.

Илк электрон кутубхона — "Гутенберг" лойиҳаси кўчириб олинган файлларнинг ZIP архивларда мант кўринишида бўлишини талаб этади, чунки бу матнларни исталган қурилмада ўқиш мумкин, қолверса, фойдаланилаётган форматларга ишлов берувчи дастурларга зиён етган тақдирда ҳам, улар йўқомайди.

Математик формулалар ва мураккаб чизмалар тасвирланган китобларни сканерлашдан сўнг матнли шаклга ўтказиш бир мунча қийин, шу боис улар доим оддий DjVu ва PDF график шаклларида сақланади.



Муаллифлик ҳуқуқи муаммоси

Кўплаб электрон кутубхоналар баъдий асарларни уларнинг муаллифлари розилигисиз эълон қилиб, гарчи улардан айримлари муаллифнинг биринчи талабидан сўнг унинг матнини сайтдан олиб қўйишса-да, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонуни бузишади.

Электрон кутубхона каторида асосий ўринни илмий-таълимий мавзулар эгаллайди. Олий таълим муассасаларида электрон нашрлардан фойдаланиш тўлиқ қонун асосида ўтирмайди. Биргина шу ҳаққоний факт тақдим этилган ахборот электрон шаклига янги авлод кизикчилари ҳақида гувоҳлик беради. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, таълим ва илмий электрон ресурслар муаллифлар томонидан ёки уларнинг розилиги билан шакллантирилади. Улар асосан тижорий асосда фаолият кўрсатади.

Европада

Ахборот-кутубхона технологияларининг замонавий тараққиётини электрон ахборот ресурсларисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Электрон кутубхона фойдаланувчиларга энг юқори даражадаги ахборот хизматларини тақдим этиш жараёни бўлиб, ўзида муайян бир тизимли улашниши, шунингдек, фойдаланувчилар учун анъанавий кутубхона хизматлари номенклатурасини кенгайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлигини оширишни мужассамлаштирган кутубхона муассасасининг янги кўринишидир.

ЭК ташкил этиш ишлари АКШда XX асрнинг 80-йилларидаёқ бошланган эди, Буюк Британияда эса 90-йиллар бошида. Одатда бу каби ишларни унча катта бўлмаган мутахассислар гуруҳи бошлаб, кейинчалик бир неча йил давомида улар миллий дастур ва халқаро лойиҳалар мақомига кўтарилади. ЭКни ташкил этишда хоризда кўплаб фондлар, қизикувчи хусусий компаниялар, инсонпарварлик ташкилотлари ва ҳатто яқка шахслар фаол иштирок этади.

Сўнгги йилларда ЭКни ташкил этиш ишлари бутун Фарбий Европа мамлакатлари бўйлаб — хоҳ умумевропа, хоҳ

миллий ва маҳаллий даражада бўлсин, кенг қулоч ёйди. Айрим лойиҳалар фан соҳалари (масалан, ижтимоий фанлар)ни, бошқалари — нашрлар (даврий нашрлар, ноёб китоблар ва тасвирлар)ни қамраб олган бўлса, учинчиси — ЭК ташкил этиш технологиялари билан боғлиқ (интеллектуал мулк, рақамли технологиялар ва маълумотлар базасини бошқариш сингари) масала ва муаммоларга қаратилган. Мана улардан айримлари:

AKMLAR HAYOTIDAN

"TURON"да электрон кўргазма

Тошкент вилояти "Turon" ахборот-кутубхона марказида Тошкент харбий округи бирлашма, харбий қисм ва муассасалари кутубхоналари ва АКМ билан ҳамкорликдаги режага асосан, малака ошириш семинари ташкил этилди. Унда вилоятдаги барча харбий қисм кутубхоналарининг раҳбар ва ходимлари ўзаро тажриба алмашишди.

Семинар дастури "Харбий қисм кутубхоналарининг автоматлаштириш — долзарб вазифа" деб номланган бўлиб, олтига йўналишида машғулотлар олиб борилди.

Машғулотларда АКМ ахборот технологиялари бўлими мудири Наргиза Қўзибоева "Замонавий технологиялар асосида фойдаланувчиларга ҳуқуқий-ахборот хизматини ташкил этиш" деб номланган электрон слайд тақдимотини ўтказди. Шунингдек, илмий-услубий бўлим мудири Насиба Омонкелдиева "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури"нинг бажарилишида кутубхоналарнинг вазифалари" мавзуида маъруза қилди.

Семинар давомида "Turon" АКМ ўқув залларида тайёрланган "Соғлом оила — соғлом фарзанд" мавзусидаги электрон кўргазма тақдимоти бўлиб ўтди. Кўргазмани АКМ бўлим мудири Зироат Исмолова олиб борди.

Куннинг иккинчи ярмида семинар иштирокчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан танишдилар.

Давронбек РАЖАБОВ

Шоирни эслаб

Усмон Носир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда Навоий давлат қончилик институти ҳузуридаги 2-академик лицей билан ҳамкорликда "Ўзбек элининг армони" мавзуида китобхоналар анжумани бўлиб ўтди.

Анжумани академик лицей "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси мудири Г.Бозорова қирини сўзи билан очиб берди. Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси филология фаилари номзоди, доцент Д.Ражабова шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. "Ўзбек элининг армони" мавзусидаги маърузани АКМ умумий ўқув зали сектори кутубхоначиси И.Лўлуева ўқиб берди.

Тадбирда академик лицей "Нихол" ҳамда "Шеърят шайдолари" гуруҳи ўқувчилари бешта шарт бўйича ўзаро беллашди. Беллашув якунига кўра, "Шеърят шайдолари" гуруҳи 32 балл билан ғолиб бўлди.

М.АЛМАТОВА,
АКМ умумий ўқув зали
сектори мудири

Европа комиссияси молиялаштирадиган лойиҳалар

Европа комиссиясининг "Кутубхоналар учун телематик" лойиҳаси мақсади — ЕИ кутубхоналарида сақланаётган билимларга улашниши таъминлашдир. Дастур тармок ишлари (OSI, Web), каталоглаштириш (OPAC), тасвирлаш, мултимедиа, муаллифлик ҳуқуқи, шунингдек, рақамли кутубхона муаммолари бўйича юздан ортиқ лойиҳаларни қамраб олган.

Масалан, CANDEL (Европа рақамли кутубхоналари тармоғига назоратли улашни) лойиҳаси аниқ кутубхоналар ичви ва ташқи рақамли фондларига улашни таъминлайди. Лойиҳа мақсади — CaseLibrary рақамли бошқарув тизими воситасидан кутубхоналар наприётлардан бевосита қабул қилган электрон нашрларни қайта ишлашни яхшилаш учун фойдаланса бўлишви намоён қилишдир. Айни дамда ушбу лойиҳада Греция, Италия, Испания ва Буюк Британия иштирок этмоқда.

DECOMATE II (муаллифлик материалларини электрон шаклда юбориш) лойиҳаси турли кутубхоналарда сақланаётган ахборот ресурсларига қиришни тақсимлаш билан истиқлолёт бўйича Европа рақамли кутубхоналарини яратишви тугаллашни мақсад қилиб олган. Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси — Нидерландиянинг Тилбург университети кутубхонаси бўлиб, бу лойиҳада Италия, Испания, Буюк Британия ва Бельгия давлатлари ҳам иштирок этмоқда.

DIEPER (Европа рақамлаштирилган даврий нашрлари) лойиҳасида ҳажми бўйича унча катта бўлмаган ҳужжатлар (масалан, журнал мақолалари)га электрон боғлиқлигини тезда таъминлаш самарасини ўрганиш кўзда тутилган.

Miracle тизими ихтисослаштирилган лойиҳа бўлиб, бу махсус кутубхоналар учун марказий маълумотлар базасига кириб, ундан Брайл ёзувидаги файлларни рақамли форматда кўчириб олиш имконини беради.

Яна бир қизикарли дастур — халқаро аҳамиятга эга бўлган "Универсал кутубхона" лойиҳасидир. Бу лойиҳанинг ақсар қатнашчилари Европа мамлакатлари ҳисобланади. Лойиҳа вазифаси — мултимедиявий технологиялар воситасида жаҳон маданияти ва илмий меросининг ақсарини янги кенг жамоатчилик учун очтириш.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Илк хабарчилик қилган кунлари кечагидай ёдида. Отахону онахонлар уни кўриб қувониб кетишарди:

— Ие, Кўшназарнинг ўгли, сенмисан? Отакасбни танлаганинг жуда соз бўлибди. Отанга ўхша. Жону дилинг билан ишла. Одамларнинг дуосини ол. Фақат умринг ўхшамасин. Унинг умрини ҳам сенга берган бўлсин...

Дарҳақиқат, Нўъмонжон отаси каби шу касбга ихлос қилди. Йигитлик бурчини ҳам Чита шаҳрида алоқа қисмида ўтади. Алижон ака Абдуллаев, Искандар ака Абдуллаев каби улуг устозлар кўлида униб-ўсди. Ҳаммага ҳам шундай ажойиб устозлар фамхўрлигидан баҳраманд бўлиш nasib этавермас керак. Тез орада болалик чоғларидаги етимлик укубатлари ҳам унутилди-кетди. У устозларидан бири Ганижон ака Қахҳоров бўлиб, у икки оёғини ҳам фашизмга қарши кураш жангтоҳларида ташлаб келганди. Сабру тоқати ва меҳру муруввати тоғдек улкан бу одам отасидек меҳрибонлик қилди, бошини силади. Ҳеч қайтариб адо этиб бўлмайдиган яхшиликлар қилди. Ҳалол яшашни, виждонан ишлагани ва одамлар билан хуштакаллум бўлишни ўргатди.

Биринчи марта айтган йўриқлари хотирасига муҳрлиб қолган:

— Мана буни, — уқтирганди устози тилини кўрсатиб, — ишлатишдан олдин мана буни ишла! — дея бошига ишора қилганди овозини атайлаб чўзибгина. — Шунда нажот топаверасан.

У пайтларда навирон йигит эди, бу гапларнинг маъназмунини тушунавермасда, устозининг хар бир насиҳат, хар бир сўзини қулоғига қўйиб олишга интиларди.

Кунлардан бир кун газета-журналларни вақтидан сал чекчиб олиб боргани учун бир отахоннинг чунонам жизғанага чиқдики, Нўъмонжоннинг тили калмига келмай қотиб қолди. Устози айтганидек, ёзғириқларни эшитиб жимгина тураверди.

Оқшом воқеани оқизмай-тоғизмай устозига айтиб

берди. Сўнг кўшиб кўйди: Фалати одам! Газеталарини еб кўйгудай ўқийди! Вақтида олиб бормасам, тамом, шўрмага шўрва тўқилди, дейверинг.

— Сен газетани еб кўйгудай бўлиб ўқийдиганлардан асти кўркма, газета ўқишининг кўчасидан ўтмаганлардан кўрк, — кейин сўзида давом этди. — Сабр, сабр, сабр... Сабр билангина мақсадга етасан. Самарасидан севишасан...

Икки гапининг бири шукр, бири сабр бўлган бу одамнинг номи газета-жур-

Сабрнинг Самараси

налларнинг саҳифаларидан тушмасди. Тарихини деган журналист "Миндонлик Мересеев" дея ёзганда роса шов-шув бўлиб кетганди. Чиндан ҳам устози учувчи Мересеевдай матонатли, шон-шарафларга муносиб инсон эди!

Инсон сабру бардоши, матонатининг тирик тимсоли — Ганижон ака Қахҳоровга водилликлар ўзгача эҳтиром билан қарар, иззатини жойига қўярди. Эшакда почта ташиб, тиним нима, халоват нима билмас, одамлар билан мулоқот кўнглига хуш ёқар, ҳаммага бир ёқулик сўз айтиб ўзи яйради.

Нўъмонжонни вилоят алоқа бошқармаси кошда очилган ўқув курсига юбораётганда ҳам "У ерда Нўъмон Каримов ва Иван Ткачлар дарс ўтади. Уларнинг айтган хар каломини дафтарга эмас, мияншта катта-катта харфлар билан ёзиб ол", дея ҳазиллашган эди.

Устоз билан хушнуду серзавқ кунлари кўп бўларди. Унинг раҳмат-тахсинини эшитганда бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб ишлар, бамисоли куш — учиб-кўниб юрарди.

— Сен газетани еб кўйгудай бўлиб ўқийдиганлардан асти кўркма, газета ўқишининг кўчасидан ўтмаганлардан кўрк, — кейин сўзида давом этди. — Сабр, сабр, сабр... Сабр билангина мақсадга етасан. Самарасидан севишасан...

Бирок бу ҳаёт, унда қазои қадар бўлишини бошига тушгачгина билди. Устози 63 ёшида боқий дунёга сафар қилди. Шод-хуррамлик деганлари келаркану кетаркан, гусса эса узоқ-узоқларга чўзиларкан. Суянч ва таянч бўлиб қолган устоздан жудодик аламини уни анчагача тарк этмади. Тунлари ўй-саного чўмар, дарда даво бўладиган таскин-тасалли изларди. Тонг маҳал "Сабр, сабр, сабр... Сабрнинг ажри улус" деган таниш овоздан уйғониб кетди. Бу овозда у анчадан бўён кутаётган таскин, тасалли бор эди.

Ана шу охишта, аммо дон-дона айтилган хикмат унга яна куч-қувват бўлди. Белни каттиқ боғлаб ишга киришди. Мана, шундан бўён ҳам орадан қанча йиллар ўтди. Мундоқ қараса, олтишини ҳам уриб қўйибди. Нўъмонжон ака устоз ўғитларига почта қоидаларига риоя қилгандай қатъий амал қилиб, эъзозу икром топди. Худо кам қилмади, зида қилди.

Турмуш ўртоғи Рахбархон опа билан солиҳ фарзандларни тарбиялаб элга қўшишди. Ўн уч йилки, Қахрамонжон ҳам ота касбини ардоқламақда. Ҳозирда Хувайдо алоқа бўлимини бошқаради. Жаҳонгир туман электр тармоғи идорасида назоратчи. Зулайхо — уй бекаси. Уч нафар болани парваршилламоқда. Энг муҳими, олти нафар неварасининг каттаси Шаҳбозжон алоқа коллежиси ўқигач, ТАТУда тахсил олиш орзусида. Демак, алоқачи Улугбоеклар сулоласи давом этади.

Фарғона тумани Миндон-1 алоқа бўлими бошлиғи Нўъмонжон Улугбоев устозлари номини сидқидил меҳнатлари ва гўзал амаллари билан улуглаб, соҳани ривожлантиришга 42 йилдан бўён хисса қўшиб келадигани билан хар қанча фахрланса арзийди.

Хафиза САЛЯҲОВА,

"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қилдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомига 49-бандига асосан:

"Шахрисабта телевидениеси"нинг ҳуқуқий вориеси — "UMID TELERADIYO KANALI" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадар вилояти) ариазисига мувофиқ "Шахрисабта телевидениеси"нинг (Қашқадар вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001495 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ASIA TRANS GAS" кўшама корхонасининг (Тошкент ш.) ариазисига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003058 рақамли;

"HELEN LINE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ариазисига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003444 рақамли;

"ALINKOMTECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ариазисига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002861 рақамли;

"GRANIT" давлат унитар корхонасининг (Тошкент ш.) ариазисига мувофиқ кўшама радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003246 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 20 ноябрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомига 23 ва 52-бандларига асосан: "MUNAVVAR NUR BARAKA" хусусий кор-

хонасининг (Самарқанд ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 12 мартдаги АА серияли 0004001 рақамли;

"TERIKS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 12 мартдаги АА серияли 0004004 рақамли;

"РУНО" ишлаб чиқариш фирмасининг (Фарғона вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 30 апрелдаги АА серияли 0004073 рақамли;

"REATON TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўшама радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 8 майдаги АА серияли 0004033 рақамли;

"SARA MIDDLE BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 16 майдаги АА серияли 0004091 рақамли;

"WESTERN CONTACT" масъулияти чекланган жамиятининг (Нукус ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 28 майдаги АА серияли 0004095 рақамли;

"Санжар Сардор плюс" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 5 июндаги АА серияли 0004109 рақамли;

"MUHAMMAD SHOXRUX SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган 2012 йил 20 июндаги АА серияли 0004121 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

BV Trade service

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 94-қарорига асосан "Бухороматлукбосавдо" акциядорлик компаниясининг "Коракўлматлукбосавдо" тўлиқ ширкати устав фондига бошлангич баҳоси 99 484 374 сўм бўлган 25 фоиз улуши 2012 йил 25 декабр кунин соат 12.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига чиқарилади.

Закалат пули миқдори мулклар бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида қўлиб топилган шахс 10 (ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тuzиши лозим. Мулк учун тўловларини тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ, СТИР: 301480431, МФО: 00120, ДАТ "Асакабанк" Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000504828225001.

Буюртманомаларини қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқариш билан боғлиқ танишиш ҳамда ўзинингизни кизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават).

Телефон: 8 (365) 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru

Хизматлар лицензияланган

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Алпомишлар

16 ёшлар ўртасида Тошкент ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси Артём Удалов энг яхши натижа кўрсатиб, юқори поғонани эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Тошкент алоқа КХК вакили Владислав Морковский ҳамда ТАТУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Сардор Тўрабовга насиб этди.

17 ҳамда 18 ёшдагилар ўртасидаги мусобақаларда бир йўла Фарғона вилоятининг икки вакили — Зoirжон Алижонов ва Оятилло Набижоновлар шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилишти.

Кучли учликка, шунингдек, 17 ёшли-



Шахмат байрами

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари бошланди.



Маъқур нуфузли мусобақа Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси 2014 йили бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасидир. 2012-2013 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар энг кучли шахматчи иштирок этади. Хар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа, 18 нафар шахматчининг хар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда катнашади. Якунда энг кўп балл жамғарган икки нафар шахматчи номзодлар турнирига йўлланма олади.

2014 йили ўтказиладиган номзодлар турнири жаҳон чемпионлиги учун курашиш имконини берадиган ягона мусобақадир. Унинг ғолиби амалдаги жаҳон чемпиони — ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан жаҳон шахмат тожи учун баҳслашади. Гран-при босқичларига Лондон, Тошкент, Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарлари мезбонлик қилади.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бошланган турнирда мамлакатимиз шарафини 17-жаҳон чемпиони, 2010 йилги Осиё ўйинлари ғолиби, 2011 йилги Марказий Осиё кубоги соҳиби Рустам Қосимжонов ҳимоя қилади. Шунингдек, бу босқичда россиялик шахматчилар — рапид бўйича жаҳон чемпиони Сергей Карякин, жаҳон шахмат олимпиядасининг уч карра ғолиби, жамоалар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Александр Морозевич, жаҳон кубоги ғолиби Пётр Свидлер, жаҳон кубоги соҳиби исроиллик Борис Гелфанд, 16-жаҳон чемпиони ва жаҳон шахмат олимпиядасининг икки карра ғолиби украинalik Руслан Пономарёв, блиц бўйича жаҳон чемпиони кубалик Ленер Домингес Перес, Осиё чемпиони хитойлик Ванг Хао, жаҳон шахмат олимпиядаси ғолиби озарбайжонлик Шахриёр Мамедяров, жаҳон кубоги соҳиби, тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпиони америкалик Гата Камский, Италия чемпиони Фабиано Каруана ва халқаро турнирлар ғолиби венгриялик Петер Лeko ўзаро баҳс юритади.

Алпомиш ва Барчиной авлодлари

лар ўртасида Иван Бобков (Тошкент алоқа КХК) ва Рустам Собиров (2-академик лицей), 18 ёшлилар ўртасида Дмитрий Нестеренко (Тошкент АТ коллежи) ва Сергей Зимовейский (Тошкент алоқа КХК)лар киришти.

Барчинойлар

1996 йилда туғилган катнашчилар мусобақаларида 2-академик лицей ўқувчиси Асал Қосимова барча жабхаларда рақибларидан яхшироқ натижага эришиб, 1-ўрин соҳибасига айланди. Комила Курбонова (Тошкент алоқа КХК) ва Амалия Каримова (Тошкент АТ коллежи)лар кейинги ўринларни ўзаро бўлиб олинди.

17 ёшлилар мусобақасида кучли учликка коллеж вакиллари киришти: биринчи ўрин — Татьяна Семочкина (Тошкент алоқа КХК), иккинчи — Барчиной Аскарота (Фарғона), учинчи ўрин — Адолат Иброҳимова (Тошкент АТ коллежи).

18 ёшлилар ўртасида ҳам биринчи ва иккинчи ўринлар Тошкент (Динара Джигеналиева) ва Фарғона алоқа коллежлари (Шаҳноза Содикова) вакиллари эгаллашти, учинчи ўринда эса 2-академик лицей ўқувчиси Зумрад Махмудова.



Волейбол ва стритбол

Мусобақалар ўтказиш низомига кўра, волейбол ва стритболда факат қизлар жамоалари катнашти. Натижалар эса қуйидагича:

Волейбол

- 1-ўрин. Тошкент алоқа КХК жамоаси
- 2-ўрин. Фарғона алоқа КХК жамоаси
- 3-ўрин. Тошкент АТ коллежи жамоаси

Стритбол

- 1-ўрин. Тошкент алоқа КХК жамоаси
- 2-ўрин. Тошкент АТ коллежи жамоаси
- 3-ўрин. 2-академик лицей жамоаси

Мини-футбол

Хеч шубҳасиз, "кичик футбол" ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларнинг гултожига айланди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари орасида спортнинг бу турига қизиқиш жуда юқори. Эътиборли томони, соҳамиз келажаги ҳисобланган ёшлар ҳам паркет устида тўп суришнинг анчагина ҳадисини олинган экан. Айниқса, Фарғона вилояти вакиллари, Тошкент ахборот технологиялари коллежи ва 2-академик лицей жамоалари иштирокидаги ўйинлар қизгин ва мурасиз ўтгани билан эсда қолди.

Қуръага кўра, майдонда дастлаб мезбон — Алоқа коллежи ва ТАТУ 2-академик лицейи жамоалари саф торди. Айтиш керакки, ўйин кескин курашларга бой бўлди ва ҳисоб ҳам шунга

яраша: 3:2 — 2-академик лицей жамоаси ғолиб.

Иккинчи учрашувда ТАТУ 1-академик лицейи ва Фарғона алоқа КХК жамоалари беллашти ва унда фарғоналиклар йирик 8:1 ҳисобида зафар кучишти.

2-академик лицей жамоаси кейинги босқичда қутилмаган жиддий қаршиликка учради: Тошкент АТ коллежи жамоаси аниқ ташкил этилган жамоавий ўйини билан лицей вакиллари шошириб қўйди ва улар мушкул вазиятдан чиқа олишмади: 7:1 — Тошкент АТ коллежи финалда.

Учинчи ўрин баҳсида ўзига хос "дерби" — 1 ва 2-академик лицейлар жамоалари ўртасидаги ўйин бўлиб ўтди ва унда 2-академик лицей жамоасининг қўли баланд келди.

Финалда ҳам мухлислар ўзлари кутган юқори савиядаги ўйин гувоҳи бўлишти. Тошкент ахборот технологиялари коллежи жамоасининг мақсадли, аниқ йўналишга эга ҳужумлари фарғоналиклар дарвозасига борган сайин кўпроқ хавф солишни ва ўз натижаларини беришни бошлади. Уларнинг еттига голига водий жамоаси иккита тўп билан жавоб бера олди, холос. Тошкент АТ коллежи — Фарғона алоқа КХК — 7:2.

Мусобақалар якунига етди ва натижалар сарҳисоб қилинди. Умумжамоавий ҳисобда энг кўп совринли ўринларни қўлга киритган Тошкент алоқа КХК жамоаси спартакиада ғолиби деб топилди. Иккинчи ўринни Тошкент ахборот технологиялари коллежи, учинчи ўринни Фарғона алоқа КХК жамоаси эгаллади.

Спартакиада якунида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Барча йўналишдаги ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи жамоасига спартакиаданинг кубоги топирилди. Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон алоқа ходимлари касбаб уюмасини марказий кенгаши бўлим бошлиғи Юнус Фафуров катнашти.

Собит АХАДОВ, "Xabar" мухбири

Нодирбек жаҳон чемпиони

Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритди.



Саккиз ёшгача бўлган болалар иштирокидаги турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган тошкентлик Нодирбек 11 партиядан 10 очко жамғариб, олтин медал учун бўлган баҳсада рақибларига имкон қолдирмади. Эътиборли томони, у бор-йўғи икки ўйинда дурангга рози бўлди, қолган барчасида ғалаба қозонди.

Чемпионатда 1,5 миңдан зиёд болалар иштирок этишган бўлса, Ўзбекистондан 13 нафар ақл-идрок соҳиблари волиблик учун кураш олиб борди. Эслатиб ўтамиз, Нодирбек Абдусатторов ўтган йили Хиндистонда ўтказилган турнирда ўз ёш тоифасида Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлганди.

Футбол

"Пахтакор" — Ўзбекистон чемпиони

Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигаси баҳслари якунланди.

Ўзбекистон Профессинал футбол лигаси томонидан ташкил этилган мусобақада ўн тўрт жамоа волиблик учун куч синашти. Миллий чемпионатимизнинг 21 йиллик тарихида илк маротаба чемпион ва совриндор жамоалар сўнгги турда аниқланди.

Мусобақа жадвалида пешқадамлик қилган "Пахтакор" тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна чемпионлиқни қўлга киритди. Сўнгги турда "Бухоро"ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган пойтахтликлар бу номга тўққизинчи маротаба сазовор бўлди. Энди улар Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

"Нефчи" жамоасининг моҳир ҳужумчиси Анвар Бердиев 19 голи билан чемпионатнинг энг илгор тўпурари бўлди.



FARZANDLARINGIZGA O'QIB BERING

Ўрмонга ўт кетибди. Ўрмон дарахтлари дарёдан ёрдам сўрашибди.

— Сен оловдан қудратлисан. Оловни даф этиб, бизни қутқар.

Дарё ўрмонни оловдан асраб қолибди. Дарахтлар дарё шаънига мактовлар ёғдириб, "Дунёда ундан кучлироқ нарса йўқ. Хеч нарса унинг қудратига тенг келолмайди", дейишибди.

Шунда дарё: "Қуёш нурлари мендан кучлироқ. Чунки у бир забтига олиб ер-у кўкни қиздирса, биз бугга айланиб кўкка кўтарилмаймиз", — дебди.

Кўкда нур сочиб турган қуёш бу гапларни эшитиб, "Тун келиши билан менинг хуким ўтмай қолади. Тун мендан кучлироқ" деб тан олибди. Аммо тун ҳам ундан кучлироқ бўлган — ер хукмига бўйсунганини айтибди. Шунда уларнинг ҳаммаси "Ер барчамиздан кучлироқ экан-да", деган хулосага келибди. Буни эшитиб қолган ер эътироз билдирибди.

— Кўксимни ёриб тоғ ўсиб чиқмоқда. Агар у мендан кучли бўлмаганида бунга унинг ҳалди сизгармиди?

— Чиндан ҳам тоғ метиндек мустаҳкам ва жуда юксак. Балки дунёда энг кучли нарса тоғдир. Келинлар, унинг ўзидан сўраб кўрамиз, — дейишибди.

Тоғ бу бахс-у мунозараларни бир четда жимгина кузатиб турган экан.

Ажойиб бахс



Дунёда энг кучли бу тоғ деганларини эшитиб, чидаб туролмабди. Улар сўрашга улгуришмасидан жавоб берибди:

— Мен-ку, юмшоқкина ер бағрини

ёриб чиққанман. Аммо сиз айтгандек қанчалар мустаҳкам бўлмай, бағрини ёриб минглаб гул-чечаклар ўсиб чиқмоқда. Демак, уларда менда йўқ қудратли куч бўлса керак. Яхшиси сўраб кўринг-чи, дунёда гул-чечаклардан кучли нима бор экан.

Тонг елларида нафис эглиб чайкалаётган гул-чечакларга "Айтинг-чи, сиз чиндан ҳам дунёда энг кучлимисиз, хеч нарсадан кўркмай-

сизми?", деб сўрашибди.

Шунда яшил тўнли, кизил дуррачали бир гул уларнинг бахсига шундай нуқта қўйибди:

— Дарё қуёш нурларидан кўркса кўрқар, аммо биз кўркмаймиз. Ахир, биз қуёш нурларини эмиб кўкка бўй чўзамиз. Қуёш тундан кўркса кўрқар, аммо биз ундан ҳам асло кўркмаймиз. Биз тун кириши билан ором оғушида дам оламиз. Тун бўлмаса бундай оромбахш лаҳзалар борлигини билмай ўтардик. Тун ердан кўркса кўрқар, аммо биз ундан ҳам кўркмасмиз. Ахир, у бизнинг онамиз. Ердан куч олиб бағрида униб-ўсганмиз. Ер тоғдан кўркса кўрқар, аммо бу кўркув бизга умуман бегона. Тоғ бағрини ёриб қуёшга интилсак асло у биздан озор чекмасин. Ахир, гул-чечаклардан бошига нафис рўмол ўраймиз. Уни томоша қилгани хув булутлар пастлаб ўтаётганини, қушлар эса атрофда чах-чахлашиб сайрашаётганини кўряпсизларми?

Биз дарё ва олов оташидан ҳам кўркмасмиз. Ахир, дарё сувлари бағридан бошимизга ёлмаганида, дарров қуриб хас-чўпга айланардик. Умримиз бундан-да қисқа бўлар эди. Оловда ёнмоқ эса бизнинг қисмати-мизда бор. Кўрдингизми, биз бир-биримизга қанчалар керакмиз.

Бу гаплар оловга ҳам, дарёга ҳам, қуёшга ҳам, тунга ҳам, ер ва тоққа ҳам маъқул тўшибди. Шундай қилиб поэтикна, миттигина гул барчанинг фикрини ўзгартира олибди.

Ҳидоят ОЛИМОВА

Хикоят

Филнинг думи бўлгунча чумолининг боши бўл.

Амур ТЕМУР

SO'GANG, JAVOB BERAMIZ!



Сочим эрта оқаряпти, нима қилай?

— Ёшим энди ўттиздан ошди. Лекин сочларим оқара бошлаганига анча бўлди. Сочлар оқаришини тўхтатиш мумкинми?

Малоҳат ШЕРАЛИЕВА
Бўка тумани

— Аввало шуни айтиш керакки, биз соч оқаришини доимо ҳавотир билан қарши оламиз. Лекин бу физиологик жараёни тўхтатса бўлади. Соч эрта оқаришининг олдини олиш учун кўпроқ оқсилга бой маҳсулотлар, яъни балик, гўшт, тухум, эчки сүти, творог ва бошқа сўт маҳсулотларини истеъмол қилиш лозим.

Бу борада, айниқса, қуритилган олма дамламасини суриш яхши фойда беради. Бунинг учун уч ошқошиқ майдаланган олма қокисини ярим литр сувга бир соат солиб қўйиб, сўнг қайнатасиз. Бир қайнаб чиққач, ўчириб бир соат тиндириб қўясиз. Кейин сузиб олинган дамламани сочларингизга сурасиз. Ўттиздан кейин ювиб ташласангиз бўлади. Бу муолажани тез-тез такрорлаш билан сочларингиз мустаҳкам ва сержило бўлишига эришин, шунингдек, соч эрта оқаришининг олдини олиш мумкин.



Муқаддам ДАВИДОВА,
косметолог

BILIB QO'YGAN YAXSHI

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Янги Зеландиялик олимларнинг сўзларига кўра, асал, гул чанги, асалари захри ёрдамида қон томирларининг кенгайиши, псориаз, артроз ва остеохондроз каби турли хил касалликларни даволаш мумкин экан. Уларнинг айтишича, асал таркибидаги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тозалаш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг ўттиз фозили эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Бонси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшлик борасида тенгсиз ҳисобланади.

Табриқ.таб.уз!

"Ўзбектелеком" АК Фароно филиали жамоаси Фароно шаҳар телекоммуникациялар боламаси ходими Людмила ДИКОВАни 50 ёши билан табриқлайди. Унга энг яхши тилакларини илҳор этади.

"ЎзИ-Қарни" филиали жамоаси филиалининг фахрулода вазиетлар ва фуқаро муҳофазаси менежери Амин ХАЛИЛОВни кутуз ва муборак 60 ёши билан самимий табриқлайди. Унга соғлиқ, яшларда ривож тилайди.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Мавзоя: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-1152 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз биями А-3, ҳақми 4 босма табоқ. Алади: 13734 нуска.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>						
<p>Видеот муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоида 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчада 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>